



**ҲОКИМИНИНГ
ҚАРОРИ**

170131, Андижон шаҳри,
Абдурауф Фитрат номли кўча, 239.

Тел.: 8 (374) 222-15-36, Факс: 222-14-18, [http://www, andijan.uz](http://www.andijan.uz), e-mail: umumiy (a) andijan.uz

**РЕШЕНИЕ
ХОКИМА**

АНДИЖАНСКОЙ ОБЛАСТИ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

170131, г. Андижан, ул. им. Абдурауфа
Фитрата, 239.

11.05.2018 й. № 321-қ

Вилоятда қаттиқ маиший ва суюқ чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматларини чекланган тарифлар миқдорини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 апрелдаги “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5024 сонли фармони ҳамда 2017 йил 21 апрелдаги ПҚ-2915 сонли ва ПҚ-2916 сонли қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги қарори билан тасдиқланган “Қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари қоидалари тўғрисида”ги 194-сонли қарорларини ижросини таъминлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-, 25-моддаларига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2017 йил 15 ноябрдаги 03-02/2-1-604-сонли, 2018 йил 5 январдаги 02-02/2-1-7-сонли хатлари ва “Андижон вилояти тоза ҳудуд” ДУКнинг вилоят бўйича чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш хизматлари учун ишлаб чиқилган ягона нарх тарифларини тасдиқлаш тўғрисидаги 2018 йил 20 февралдаги 18-02-359-сонли хатлари маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қаттиқ маиший чиқиндилар учун:

вилоят бўйича ягона нархлар бир кишига 1 ойга 2000 (икки минг) сўм, юридик ташкилотларга белгиланган солиқ ставкаси (20%) қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олган ҳолда 1 м³ учун 32040 сўм ва 1 тонна учун 62520 сўм;

Суюқ маиший чиқиндилар учун:

аҳолига (шу жумладан хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари аҳоли номидан оладиган, шунингдек идоровий уй-жой

фонди уйларида яшаётган аҳоли учун Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг бўлимлари томонидан олинadиган хизматларга) ноль даражали қўшилган қиймат солиғи асосида бир тоннаси учун 46000 сўм;

юридик ташкилотларга белгиланган солиқ ставкаси (20%) қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олган ҳолда бир тоннаси учун 55200 сўм этиб, тасдиқлансин.

3. Мазкур қарор билан тасдиқланган қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш хизматлари учун вилоят бўйича ягона янги тариф 2018 йил 15 майдан бошлаб амалга киритилсин.

4. “Андижон вилояти тоза ҳудуд” ДУК (С.Рахмонов), шаҳарлар ва туманлар “Тоза ҳудуд” ДУК филиалларига;

ўрнатилган тартибда жорий йилнинг 15 майига қадар қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш учун тасдиқланган янги тарифлар бўйича истеъмолчиларни хабардор қилиш,

аҳоли томонидан ҳосил бўлган қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш ва жойлаштириш ишларининг самарадорлигини ошириш мақсадида жойларда тизимли мониторинглар ташкил этиш,

белгиланган тарифларга риоя этилишини устидан назорат ўрнатиш вазифалари топширилсин.

5. Вилоят “Телерадиокомпанияси” (М.Каримов), “Андижоннома” ва “Андижанская правда” газеталари (С.Шукуров) вилоят бўйича қарор тўғрисида тарғибот ишларини олиб бориш тавсия этилсин.

6. Ушбу қарор “Андижоннома” ва “Андижанская правда” газеталарида расмий эълон қилинсин. Қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб қонуний кучга кириши белгилаб кўйилсин.

Мазкур қарор вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

7. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан вилоят ҳокимининг 2017 йил 3 октябрдаги 664-қ сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Эгамбердиев ҳамда вилоят ҳокимининг ўринбосари И.Холматов зиммаларига юклатилсин.

Вилоят ҳокими

ASLIGA TO'G'RI

Ш.Абдурахмонов